

«NNN» акциядорлик жамияти

(«NNN» АЖ)

БУЙРУҚ

Тошкент ш.

03/20-сон

23 март 2020 й.

Масофадан ишлашга ўтказиш тўғрисида

Ходим ва иш берувчи ўртасида эришилган келишув муносабати билан

БУЮРАМАН:

1. Бухгалтер А.А. Раҳимов учун 24.03.2020 йилдан 30.04.2020 йилга қадар (30.04.2020 йил ҳам кирди) масофадан ишлаш режими жорий этилсин.
2. Белгилансинки, А.А. Раҳимов ишни иш берувчи жойлашган жойдан ташқарида масофадан бажаради. А.А. Раҳимовнинг иш жойи – унинг рўйхатдан ўтказилган манзили бўйича: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 95-уй, 195-хонадон.
3. А.А. Раҳимовга дам олиш ва овқатланиш учун 12.00 дан 13.00 гача танаффус билан 8.00 дан 17.00 гача иш режими ўрнатилсин. Иш вақтида А.А. Раҳимов электрон почта ва телефон орқали доим Иш берувчи билан алоқада бўлади.
4. Хужжатлар билан алмашиш электрон почта воситасида амалга оширилиши белгилансин. А.А. Раҳимов иш учун зарур ускуналар: компьютер, телефон алоқаси, интернетга кириш имконияти билан ўзини мустақил равишда таъминлайди
5. А.А. Раҳимовга нисбатан у томондан меҳнат вазифаларини бажариш бўйича мажбурият тўлиқ ҳажмда таркибий тузилма, лавозим ва маош ўзгартирилмаган ҳолда сақлаб қолинсин.
6. Ахборот технологиялари бўлими бошлиғи Ж.Б. Усмонов А.А. Раҳимовга масофадан ишлаш даврида унинг иш компьютерига масофадан киришини таъминласин¹.
7. 02/20-сон Ишончнома бўйича моддий қимматликлар берилсин (ASUS русумли G1-384 моделдаги 3853256239 серияли рақамли Ноутбук, Apple русумли Iphone X моделдаги IMEI 3856385838 мобил телефон ва бошқалар)².
8. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

¹ Агар маълумотларга кириш бошқача усулда ташкил этилса, бундай бандни киритиш шарт эмас.

² Мазкур банд ходимга меҳнат вазифаларини бажариши учун бир марталик ишончнома бўйича моддий қимматликлар топширилган тақдирда буйруқ мазмунига киритилади. Ушбу банд буйруққа киритилган ҳолатда, 4-банднинг иккинчи жумласини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Асос: А.А. Раҳимовнинг масофадан ишлашга ўтиш тўғрисидаги аризаси.

Директор *(имзо)*

И.В. Бахрамов

Буйруқ билан танишганлар:

(сана) *(имзо)* А. А. Раҳимов

(сана) *(имзо)* Ж. Б. Усмонов